# Янгилик ва яхшилик

Бир йилда бир маротаба келадиган ва орзиқиб кутиладиган янги йил байрами кириб келишига ҳам оз фурсатлар қолди. Ушбу байрамни  ТИҚХММИ Қарши филиалида ҳам кўтаринки кайфиятда кутиб олиш мақсадида 18 декабрь куни филиалнинг “Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат” бўлими, Касаба уюшмаси қўмитаси  ва бир гуруҳ иқтидорли, истеъдодли талабалари томонидан "Янги йил базми кечаси" номли байрам дастури ташкил этилди. Тадбирда ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Ш.Убайдуллаев ва илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари Ҳ. Равшанов иштирок этиб, талабаларни кириб келаётган янги йил билан самимий муборакбод этдилар. Тадбир қизиқарли савол - жавоблар, турли хил саҳна кўринишлари ва саҳналаштирилган бадиий чиқишлар орқали давом эттирилди. Филиалда янги ташкил этилган “Талантли талабалар” ҚВЗ жамоаси талабалар ҳаётидан олинган ўз чиқишлари билан барчага юқори кайфият улашишди. Яқинлашиб келаётган янги 2020 йил барчангизга муборак бўлсин!

**Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Б.Рўзиқулов ахбороти**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**